

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2021.Fil.I32.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

МУРТАЗАЕВ АБРОР ОДИЛОВИЧ

**ИЛМий МАТНДАГИ СОДДА ДАРАК ГАПЛАРНИНГ МАЗМУНИЙ
ЎХШАШЛИГИ ВА ЛИНГВИСТИК МОДЕЛЛАРИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қўқон – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in philological
science**

Муртазаев Абзор Одилович

Илмий матндаги содда дарак гапларнинг мазмуний ўхшашлиги ва лингвистик
моделлари.....5

Murtazaev Abror Odilovich

Semantic similarity and linguistic models of simple declarative sentences in
scientific tex.....25

Муртазаев Абзор Одилович

Сходство содержания и языковые модели простое повествовательное пред-
ложение в научном тексте.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....53

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

МУРТАЗАЕВ АБРОР ОДИЛОВИЧ

**ИЛМий МАТНДАГИ СОДДА ДАРАК ГАПЛАРНИНГ МАЗМУНИЙ
ЎХШАШЛИГИ ВА ЛИНГВИСТИК МОДЕЛЛАРИ**

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қўқон – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Fil1716. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.kspi.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович,
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зияев Авазхон Ихтиёрович
филология фанлари доктори, профессор в.б.

Одилова Гулноза Комилжоновна
филология фанлари доктори, профессор в.б.

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Қўқон давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/04.06.2021.Fil.132.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил “__” _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 150700, Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23. Тел.: (99873) 542-38-38; факс: (99873) 542-11-43; e-mail: quqondpi@umail.uz.

Диссертация билан Қўқон давлат педагогика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150700, Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23. Тел.: (99890) 508-64-42; e-mail: qdpi_arm@umail.uz

Диссертация автореферати 20__ йил “__” _____ куни тарқатилди.

(20__ йил “__” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Д.Набиева

Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., профессор

В.Каримова

Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш котиби,
филол.ф.ф.д. (PhD)

Ш.Искандарова

Илмий даража берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилнинг амалий аҳамиятини тўғри баҳолаш, татбиқ жараёнларини белгилаш, тилдан фойдаланишнинг самарадорлигини юқори даражада таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, илмий одобни четлаб ўтишнинг олдини олиш ҳамда илм-фанда оригинал тадқиқотларни таъминлашга хизмат қиладиган плагиатга қарши компьютер дастурларини мукаммаллаштириш, барча соҳаларга кенг татбиқ қилиш ва шу орқали илмий, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий юксалишга эришиш долзарб аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида тилнинг сунъий интеллект сифатидаги қиёфасини намоён этишга қаратилган назарий ва амалий ишларни янги босқичга қўтариш бўйича, яъни мазмунга алоқадор масалалар, ғоя ва мазмундаги оригиналликни таъминлаш, интеллектуал мулк дахлсизлигини таъминлаш ва унга қарши жиноятларнинг олдини олишга қаратилган ишларнинг сони ва салмоғи ортмоқда. Плагиатга қарши дастурларнинг дастлабки варианти сифатида айнанликни аниқлайдиган турлари ишга тушган бўлса, ниқобланган матнларни аниқловчи дастурлар эса 2016 йилдан буён амалиётда қўлланиб келмоқда. Бугунги кунда дунё миқёсида таржима қилинган илмий матнларни ҳамда бошқа тадқиқотларнинг ғоясини ўзлаштириб олинган матнларни аниқлашга қаратилган компьютер дастурларини яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда мавжуд плагиатга қарши дастурлар фақатгина матнларнинг ўзлаштирилганлигини уларнинг айнанлиги асосида аниқлай олади, бироқ матн таркибидаги сўзлар синонимига ўзгартирилганда матннинг ўзлаштирилганлигини кўрсата олмайди. Ушбу муаммо барча тиллар учун ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири.

Ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикаси, табиий тилни моделлаштириш, табиий тилга автоматик қайта ишлов бериш каби масалалар тадқиқига жиддий эътибор қаратила бошланди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “дунёда илм-фан соҳасидаги ютуқлар айнан фундаментал тадқиқотлар йўналишида қўлга киритилгани тасодифий эмас”¹. Хусусан, тилдан амалий фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, амалий аҳамиятини, сунъий интеллект сифатидаги мавқеини таъминлашга хизмат қилувчи компьютер технологияларига асосланган плагиатга қарши дастурларни мукаммаллаштиришга доир тадқиқотларни ҳам тақозо этмоқда. Тилшунослигимизда илмий матнлардаги синонимлик масаласи алоҳида тадқиқ манбаи сифатида ўрганилмаганлиги, компьютер дастурлари учун синонимликни ўлчашга хизмат қилувчи лингвистик моделлар ишлаб чиқилмаганлиги илмий матнларнинг ўхшашлик даражаларини аниқловчи компьютер дастурларини мукаммаллаштириш, улар учун махсус лингвистик моделлар ишлаб чиқиш, амалиётга кенг жорий этиш вазифаларининг долзарблигини белгилайди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 171.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси»даги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табиий тилни автоматик қайта ишлаш ва шу орқали матнлар ўртасидаги мазмуний яқинликни ўлчашга қаратилган тадқиқотлар L.Blumfeld, Y.Sepir, R.Yakobson, X.Chomskiy, Z.Harris, Ch.Xokket M.Gaona², B. Gregorio³, K.Oksana⁴ H.Maurer., F.Kappe ва B.Zaka⁵ каби хорижий тилшунос ва компьютер дастурчи мутахассислар томонидан амалга оширилган. Ушбу тадқиқот ишларида илмий матнларнинг “айнанлик” асосида кўчирилганлигини аниқлай олиш усул ва моделлари ўрганилган ҳамда амалиётга жорий қилинган. Бироқ матнлар ўртасидаги мазмуний ўхшашликни синонимлар ёрдамида четлаб ўтиш, бошқа хорижий тилдан таржима қилиш орқали кўчирмакашликни аниқлаш каби муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Ўзбек тилшунослигида содда гап ва синонимия масаласида салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, А.Ғуломов⁶, Н.Маҳмудов⁷,

² Miguel Angel Rios Gaona. Methods for Measuring Semantic Similarity of Texts: Doctor of Philological Science. Dissertation. - United Kingdom. 2014. P.176.

³ Agirre E., Cer D., Diab M., Gonzalez-Agirre A., Weiwei Guo. Semantic textual similarity // 2nd Joint Conference on Lexical and Computational Semantics. USA.2013. P.78.

⁴ Bao, J-P., Shen, J-Y., Liu, X-D., Liu, H-Y., Zhang, X-D. Semantic Sequence Kin: A Method of Document Copy Detection // Advances in Knowledge Discovery and Data Mining, Sidney, Australia. 2004. – vol. 3056.

⁵ Plagiarism - A Survey. Journal of Universal Computer Science. 2006. N 12 (8). pp. 1050-1084.

⁶ Ғуломов А. Содда гап. – Тошкент: Ўзбекистон СССР фанлар академияси нашриёти, 1955. –Б 60.

⁷ Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б 125.

А.Нурмонов⁸, М.Абузалова⁹, Ш.Искандарова¹⁰, М.Қурбонова¹¹, Д.Лутфуллаева¹², даражаланиш ва семантика масалаларида О.Базаров¹³, С.Назарова¹⁴, Н.Абдурахмонова¹⁵ каби олимларнинг тадқиқотларини таъкидлаш мумкин. Санаб ўтилган илмий ишларда гап ва унинг грамматик хусусиятлари атрофлича тадқиқ қилинган. Бироқ бир тил доирасида матнлараро ўхшашлик масаласи махсус тадқиқот манбаи бўлмаган.

Тилнинг муҳим объектларидан бўлган гап ва унга боғлиқ масалалар тадқиқотчилар томонидан бир неча аспектда турли методологик ҳамда методик жиҳатдан ўрганилиши мумкин. Ўзбек тилшунослигида содда гапнинг мазмуни масаласи тадқиқ этилган, бироқ унинг мазмуний айнанлик, ўхшашлик ҳамда фарқлилик жиҳатлари ва уни амалиётда қўллаш билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилмаган. Ушбу тадқиқотда илмий матнларнинг ўхшашлик даражаларини аниқлашнинг морфологик, лексик ҳамда синтактик воситаларини моделлаштириш ва шу орқали плагиатликни аниқловчи компьютер дастурлари учун дастлабки лексик ва морфологик лингвистик база тайёрлаш доирасидаги масалалар тадқиқи амалга оширилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Бу тадқиқот иши Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ҳозирги ўзбек тилшунослигининг амалий масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади илмий матндаги содда дарак гапларнинг мазмуний ўхшашлик даражаларини аниқлашнинг лингвистик моделларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

айнанлик, ўхшашлик ҳамда фарқлилик ҳодисасининг когнитив мундарижаси ва турларини таҳлил қилиш;

илмий матнлардаги содда гапларнинг мазмуний айнанлик, ўхшашлик ва шаклий фарқлилик хусусиятларини очиб бериш ва тавсифлаш;

содда гапларда мазмуний айнанлик, ўхшашлик ва шаклий фарқлиликни юзага келтирувчи морфологик, лексик ҳамда синтактик воситалар ҳамда уларнинг лингвистик моделларини ишлаб чиқиш;

⁸ Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаев С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 297.

⁹ Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қолипи ва унинг нутқда вокеланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент. 1994. –Б. 128.

¹⁰ Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 50.

¹¹ Қурбонова М.М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2001. – Б. 232.

¹² Лутфуллаева. Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол.фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1997.

¹³ Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол.фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1997. – Б. 269.

¹⁴ Назарова С. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари: Филол. фан. номз. ... автореф. – Тошкент, 1997. – Б. 22.

¹⁵ Абдурахмонова Н. Машина таржимасининг лингвистик таъминоти. (монография). – Тошкент: Нодирабегим, 2018. – Б. 175.

илмий матнларнинг мазмуний ўхшашлик даражасини аниқловчи плагиатга қарши дастур учун лексик синонимлар базасини шакллантириш;

илмий матнларда содда гапларнинг мазмуний ўхшашлик даражасини аниқловчи плагиатга қарши дастурий таъминот базасини такомиллаштиришга хизмат қилувчи тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини илмий матнлардаги мазмуний ўхшашлик ва фарқлилик хусусиятларга эга содда дарак гаплар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети илмий матндаги содда дарак гапларнинг мазмуний ўхшашлик даражаси ва уларни аниқловчи лингвистик моделларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида компонент таҳлил, экспериментал, қиёслаш ва статистик усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илмий матнлардаги содда дарак гапларнинг мазмуний ўхшашлик даражасини кўрсатишда сўз ва сўз бирикмаларининг синонимлиги ҳолати гап таркибидаги энг асосий воситалигига кўра лингвистик моделлаштириш далилланган;

илмий матнлардаги содда дарак гаплар мазмуний ўхшашлик даражасини баҳолашда морфологик воситалар синонимлигининг моделлаштириладиган (-ба-ли / -япти, -моқда, -ётир) ҳамда (-но, -сиз) муайян қолипларга тушмайдиган тарзда филтрланиши лозимлиги аниқланган;

матнлардаги содда дарак гапларнинг градуал зидланиш асосидаги “фарқли→ўхшаш→айнан ўхшаш” даражали қатори аниқланган;

мазмуний ўхшашликни аниқловчи антиплагиат дастури учун дастлабки лексик синонимлар базаси сифатида ўзбек тили синонимлар луғатидаги сўзлар компьютер дастури синонимликни аниқлаши учун илк бор теглаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги илмий матнларда содда дарак гапларнинг мазмуний айнанлик, ўхшашлик ва фарқлилик хусусиятларини аниқлашга доир тавсиялар ишлаб чиқилган;

илмий матнлардаги содда дарак гапларнинг мазмуний айнанлик ва ўхшашлик даражаларини аниқлашга хизмат қиладиган лингвистик моделлар яратилган;

ўзбек тилидаги содда дарак гапларнинг мазмуний ўхшашлик даражасини аниқлашга хизмат қиладиган лексик синонимлар базаси шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ белгилаб олингани, чиқарилган хулосаларнинг компонент таҳлил, экспериментал, қиёслаш ва статистик усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти айнанлик, ўхшашлик ва фарқлилик ҳодисаларини ажратиш асосларини белгилаш, илмий матнларда содда дарак гапларнинг мазмуний айнанлик, ўхшашлик ҳамда фарқлилик даражасини аниқлашнинг морфологик, лексик ҳамда синтактик воситаларини

таснифлаш, ўхшашлик даражаларини аниқловчи лингвистик моделларни ишлаб чиқиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти плагиатга қарши компьютер дастурларининг илмий матнлардаги мазмуний ўхшашлик даражасини аниқлашга, плагиатга қарши дастурларнинг содда гапларнинг мазмуний яқинлик даражаларини ўлчаш билан боғлиқ томонларининг мукамаллаштишига хизмат қилиши ҳамда лексик синонимлар базасини тақдим этиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорийланиши. Ўзбек тилидаги илмий матнларнинг ўхшашлик даражаларини аниқлаш ҳамда уларнинг лингвистик моделларини ишлаб чиқиш доирасида олинган илмий хулосалар асосида:

Ўзбек тилидаги илмий матнларда (филология ихтисослигига оид) содда дарак гаплар мазмуний ўхшашлик даражаларини аниқлашнинг лингвистик моделларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ хулоса ва натижаларидан 5221000 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавр таълим йўналиши талабалари учун ёзилган, 2018 йилда “Тафаккур бўстони” нашриётида нашр қилинган, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сон буйруғи, 312-рақамли гувоҳномаси) Натижада “Лексемада шакл ва мазмун” деб номланган 14-параграфида лексеманинг шакл ва мазмун яхлитлигини тавсифлаш, “Лексик-семантик муносабатлар” деб номланган 17-параграфда лексик-семантик муносабатларда мазмуний ўхшашлик даражаларининг ўрнини ёритиш имконини берган;

айнанлик, ўхшашлик, фарқлиқлик категорияларининг когнитив мундарижаси ҳамда турларига доир таҳлил ва хулосаларидан 2016–2020-йилларда бажарилган ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” ФА-А1-Г007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзуларидаги фундаментал ва илмий-амалий лойиҳаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 13 октябрдаги 17.01/264-сон маълумотномаси). Натижада тил ҳодисаларидан айнаниқлик ва ўхшашлик жиҳатларини аниқлаш ва шу асосда тил бирликларини таснифлашга доир қарашларни бойитиш имконини берган;

мазмуний айнаниқлик, ўхшашлик ва шаклий фарқлиқликнинг морфологик, лексик ҳамда синтактик воситаларни аниқлаш, таснифлашга доир таҳлил ва хулосаларидан 2020–2021-йилларда бажарилган И-ОТ-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” номли инновацион амалий лойиҳасида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 23 октябрдаги 04/1-1999-сон маълумотномаси). Натижада инсон қиёфаси, феъл-атвори ва миллий тимсоллар тасвиридаги айнаниқлик, ўхшашлик ҳамда фарқлиқлик жиҳатларини белгилаш ва тавсифлашни мукамаллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола (3 таси хорижий ҳамда 4 таси республика журналларида) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 135 саҳифа.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг биринчи боби **“Айнанлик, ўхшашлик ва фарқлилик категорияларининг когнитив мундарижаси”** деб номланган. Айнанлик ва ўхшашлик, фарқлилик фалсафий, ижтимоий нуқтаи назардан ижобий ҳодиса сифатида қаралиши мумкин, аммо илмий жиҳатдан матнларни, тафаккур маҳсули ҳисобланган ўзига хос (оригинал) фикрларнинг ўхшаш бўлиши, тўғрироғи, айнан ўхшаш бўлиши ижобий ҳодиса эмас. Шу нуқтаи назардан матн яратишда ўзгалар фикридан фойдаланиш бир қатор ахлоқий, ижтимоий, ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқаради. Шу маънода глобллашув шароитида тайёр маълумотдан фойдаланиш этикаси бузилган ҳолатлар, яъни интеллектуал мулк ҳисобланган фикр ва ғояларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ жараёнлар лингвистик экспертиза соҳасини янада кенг ривожлантиришни талаб қилади. Мазкур ижтимоий зарурат илмий матнлардаги айнанлик, ўхшашлик ва фарқлилик ҳодисаларининг ҳам илмий ёндашувларга асосланган махсус монографик тадқиқотларни тақозо қилади.

Ўзбекистонда илмий-тадқиқотнинг ривожланиши, оригинал илмий матнларнинг пайдо бўлиши, муайян лингвистик назорат тартибини ишлаб чиқиш муҳим назарий-амалий аҳамият касб этади. Бунинг учун электрон шаклда мавжуд илмий матнларнинг мазмуний ўхшашлик даражасини аниқлайдиган дастурий таъминот яратилиши зарур.

Шу ўринда мавжуд айнанлик, ўхшашлик тушунчаларини бирлаштириш тарафдоримиз, яъни ўхшашлик илмий матнларнинг оригиналлигини текшириш жараёнида тўла ва холис натижани бермайди. “Айнанлик” дейилганда содда гаплараро шаклий ўхшашлик ва фарқлиликдан қатъи назар уларнинг мазмунидаги бир хиллик назарда тутилади ва шу нуқтаи назардан айнанлик мазмунга кўра текширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур ҳолатларни эътиборга олиб, ўхшашлик нисбий бўлишини таъкидлаган ҳолда *“айнан ўхшашлик”* бирикмасини ҳам таклиф қилмаймиз.

Умумий ҳолатда ўхшашликнинг бевосита сифат билан боғлиқлигини инобатга олиб, уни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Шаклий ўхшашлик. Бу ўхшашлик, ўз навбатида, бир қисми ўхшаш, бир неча қисми ўхшаш ва барча қисмлари ўхшаш кабиларга бўлинади.

2. Мазмуний ўхшашлик. Ўхшашликнинг бу тури эса айнан ўхшаш ва ўхшаш (ўхшашлигига таъсир этмайдиган даражадаги фарқнинг мавжудлиги) каби гуруҳларга ажратилиши лозим.

Ўхшаш сўзининг ўзи якка ҳолда айнан бир хил дейишга монелик қиладиган фарқлар бор эканлигини ифодалайди, бироқ бу фарқлар бир

қарашда сезилмайди, ёки сезилса-да, муҳимлик даражаси пастлиги билан характерланади. Бу ўринда ҳам ўхшашлик шаклга нисбатан эмас, балки мазмунга нисбатан белгиланади.

Демак, юқоридаги талқинлар цистем-структур тилшунослик асосчиларидан бири бўлган Фердинанд де Соссюрнинг Тил айнанлик ва фарқлиликлар атрофида айланади, буларнинг бири иккинчисининг акс томонидир деган фикри моҳиятан тўғри эканлигини исботлайди.

Олимнинг юқоридаги фикрига асосан луғатшуносликдаги синонимия (айнанлик) ва антонимия (фарқлилик) муносабатининг ички томонлари бу икки ҳодисанинг диалектик боғланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўхшашлик муайян соҳани ёки соҳаларни тизимлаштириш ва уларни эгаллашни ихчамлаштириш учун хизмат қилса, фарқлилик ўша нарсаларнинг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилиб, у ҳақда холис ҳукмни чиқариш учун асос бўлади.

Тадқиқот ишининг **“Содда гапларда шаклий-мазмуний айнанлик, ўхшашлик ва фарқлилик”** деб номланган иккинчи бобида содда гап қурилиши, унинг шакл ва мазмун планига оид масалалар юзасидан кузатиш ва таҳлиллар амалга оширилди.

Табиий тилда баён қилинган фикрларнинг компьютер томонидан тушунилиши ва ҳосил қилиниши, матн мазмунини тўла ифодадай олишини таъминлаш учун компьютер дастурлари қолипларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш ўта долзарб, бирламчи вазифадир. Бунда матн элементлари (сўзлар, жумлалар ва матнлар) ўртасидаги семантик ўхшашликни ўлчаш, аниқлашни автоматлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шунга асосан илмий матнлардаги содда гаплар мисолида уларнинг ўзаро маъно-мазмунини ташкил қилувчи фикрларнинг ўхшашлик даражаси ва уни аниқлашнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда сунъий интеллект учун базани шакллантириш асосий мақсад сифатида белгиланди.

“Грамматик синонимия” атамаси билан боғлиқ ҳодиса дастлаб А.М.Пешковский (1927) томонидан тадқиқ қилинган. Сўнгги ўн йилликда В.П.Сухотин, Г.Золотова, Е.И.Шенделс, В.И.Кононенко, М.Ф.Палевской кабилар синонимия назариясининг кўплаб фундаментал муаммоларига қаратилган қимматли ишларни амалга оширдилар¹⁶. Ўрганилаётган масала ҳали ҳам бирон бир якуний ечимини топмаган ва ҳанузгача мунозарали саволлар мавжуд: синтактик бирликлар синонимлигини аниқлаш тамойили, синтактик синонимлар ва синтактик вариантлар, дублетлар, бир томонлама ва кўп қиррали, ўзаро боғлиқлик, ўзаро алмашилиш, синонимик конструкцияларнинг доминантларини аниқлаш ва бошқалар. Ўзбек тилшунослигида ушбу масалалар рус тилшунослигига тақлидан ўрганилган ва бу борада А.Ғуломов, М.Асқарова, Ф.С.Убаева, А.Сафаваларнинг изланишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Р.Сайфуллаевага кўра¹⁷, тилшунослик тарихида биринчи марта М.Ломоносов грамматик параллелик

¹⁶ Сайфуллаева Р. Синонимия повествовательных предложений в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982.

¹⁷ Сайфуллаева Р. Синонимия повествовательных предложений в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. – С. 17.

ҳақида гапирган бўлса, А.Пешковский грамматик синонимларни ўрганишнинг асосларини ишлаб чиққан. А.Пешковскийдан сўнг грамматик синонимлар масаласи Г.Рихтер, М.К.Милих кабилар томонидан ҳам ўрганилган. Агар ушбу муаммонинг ўрганилиши дастлаб масаланинг умумий назарий жиҳатлари билан боғлиқ бўлса, ўтган асрнинг 50-60-йилларида морфологик ва синтактик синонимларни фарқлаш, грамматик синонимлар (иборалар, содда гаплар)нинг хусусиятлари каби алоҳида масалалар тадқиқига бағишланган кўплаб асарлар юзага келди¹⁸.

Гапларда синонимияни юзага келтирувчи энг кичик воситалардан бири бу – кўшимчалардир. Масалан, *“Албатта, бу йўналишда ўтган давр мобайнида салмоқли ишлар амалга оширилди”*¹⁹ гапининг *Албатта, бу йўналишда ўтган давр мобайнида салмоқли ишлар амалга оширилган* тарзида ўзгариши *-ди* шакли ўрнига *-ган* шаклини алмаштириш асосида амалга ошади. Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида ўтган замон маъноси бир неча шакл ёрдамида ифодаланади: *-ди* (ўқидим, ўқидинг, ўқиди); *-ган* (ўқиганман, ўқигансан, ўқиган); *-(и)б* (ўқибман, ўқибсан, ўқибди); *-эди/экан/эмиш* (ёзган эдим, ишлаётган эди, ишлаган эдинг, ишлар эдилар, ишламоқчи эдим)²⁰. Худди шу каби ҳодиса қуйидаги гаплар мисолида таҳлил қилинса, бошқача ҳолат кузатилади. *Дарсликларга таржима жараёнида ўша миллатнинг тарихи, маданияти, миллий қадриятлари ҳақидаги маълумотлар маълум даражада сингдирилди*²¹ гапини *Дарсликларда таржима жараёнида ўша миллатнинг тарихи, маданияти, миллий қадриятлари ҳақидаги маълумотлар маълум даражада сингдирил+ган* тарзида ўзгартирамиз. Мазкур гапдаги феъл-кесим *-ди* шаклидан *-ган* шаклига ўтганлиги сабабли *дарсликларга* сўзи *дарсликларда* шаклида ўзгартирилиши ўринли бўлади. Биринчи гапда биргина кўшимча ўзгартирилган бўлса, иккинчи гап охирида ўзгарган кўшимча сўзнинг ўрин-пайт келишиги шаклини олишини тақозо қилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида замон маъноси: *“-яп, -ётиб, -ётир, -моқда* аффикслари билан ифодаланади. Шакллар орасидаги фарқ соф услубий асосда. Аниқроғи, *-яп* умумуслубий ва кенг истеъмоллилиги, *-ётиб* ва *-ётир* диалектал ва поэтик хусусияти билан, *-моқда* шакли китобий услубга хослиги билан характерланади²². Қайд қилинган замон шакллариининг маъно ифодаларида фарқ сезилмайди.

*“Ўзбек тилишунослигининг бугунги тараққиёти янада янги ва яхши луғатлар яратишга имконият беради.”*²³ Мазкур гапни қуйидаги кўринишда ўзгартириб ифодалаш мумкин:

¹⁸ Сайфуллаева Р. Кўрсатилган манба. – Б 14.

¹⁹ Шойимов З. Ўзбекистонлик ўқитувчилар тренер мақомида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2017. – № 3. – Б. 3.

²⁰ Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2009. – B. 215.

²¹ Шойимов З. Ўзбекистонлик ўқитувчилар тренер мақомида. // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2017. – № 3. – Б. 3.

²² Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2009. – B. 216.

²³ Иноятлов У. Тил таълими: унинг сифат ва самарадорлигини таъминлаш мамлакат тараққиёти кафолатидир. // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2017. – № 10. – Б. 3.

Ўзбек тилишунослигининг бугунги тараққиёти янада янги ва яхши лугатлар яратишга имконият бер+моқда.

Бундан маълум бўладики, ҳақиқатан ҳам, ҳозирги замон қўшимчалари маъно ифодалаш ва услуб жиҳатидан жиддий фарқланмайди, балки маъновий айнанлик касб этади. Қуйида келтирилган гаплар мисолида ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин:

1. *“Шу билан бирга хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда, жумладан, Европа Иттифоқининг эрасмус-дастури доирасида турли халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда.”*²⁴

2. *Шу билан бирга, хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда, жумладан, Европа Иттифоқининг эрасмус-дастури доирасида турли халқаро лойиҳалар амалга оширил+япти.*

3. *Шу билан бирга, хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда, жумладан, Европа Иттифоқининг эрасмус-дастури доирасида турли халқаро лойиҳалар амалга оширил+аётир.*

4. *Шу билан бирга хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда, жумладан, Европа Иттифоқининг эрасмус-дастури доирасида турли халқаро лойиҳалар амалга оширил+ади.*

Юқорида келтирилган тўртинчи рақам остидаги гапда замон шакли –ди га алмаштирилиши натижасида олдинги гаплардаги ҳозирги замон шакллари кўллаш билан боғлиқ вариант биттага камайганлигини кузатиш мумкин. Аввалги гапларда замон шаклининг ўз синонимига алмаштирилиши амалга оширилган бўлса, қуйидаги гаплар кесимидаги –дир боғламасини олиб ташлаш ёки –дир боғламасини қўшиш билан гапларни ўзгартириб кўрамыз.

1. *Ҳақиқий маънодаги маданий нутқ шахс умуммаданий савиясининг фавқулодда муҳим унсурларидан биридир. – Ҳақиқий маънодаги маданий нутқ шахс умуммаданий савиясининг фавқулодда муҳим унсурларидан бири.*

2. *Тараққиёт бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий. – Тараққиёт бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий+дир.*

Бу ерда ушбу гаплар кесими таркибидаги шаклни олиб ташлаш ёки қўшиб қўйиш билан боғлиқ ўзгартириш мазкур гапларнинг мазмунига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини кузатишимиз мумкин.

Маълумки, кўмакчи феъллар етакчи феълнинг маъносига қўшимча модал маънолар қўшиш учун хизмат қилади. Кўмакчи феъл вазифасида *кел, кет, бор, юбор, чиқ, ўт, тур, қол, бўл, ол, бил, қўй, бер, ташла, кўр, бошла* кабилар иштирок этади. Бу феъллар, бир томондан, ҳаракат маъносини ифодалаб, мустақил ҳолда лексик бирлик саналади, яъни *келди, борган, кўрмоқчи, билиб каби*; иккинчи томондан, етакчи феъл вазифасида келадиган феъл шаклига қўшилиб, ўз лексик маъносини вақтинча йўқотиб, ўзи алоқадор бўлган феълнинг лексик маъносига қўшимча маъно қўшади ва кўмакчи феълга айланади²⁵. Мазкур тил қоидасига кўра бир гапнинг кесимини турли шакллар орқали ўзгартирамыз:

²⁴ Сайфуллаева Р. Кўрсатилган манба. – Б. 11.

²⁵ Hamroyev M. Ona tili. Darslik. – Toshkent: O‘qituvchi, 2007. – B. 126.

1. *“Олимнинг ушбу фикрлари ўқувчида фикр уйғотади.”*²⁶
2. *Олимнинг ушбу фикрлари ўқувчида фикр уйғота олади.*
3. *Олимнинг ушбу фикрлари ўқувчида фикр уйғотиши табиий.*

Таҳлил қилинган гапларда кўшимчаларни кўшимча билан ўзгартириб, янги шакл ҳосил қилинган бўлса, куйидаги мисолимизда кўшимчанинг кўшимча ва сўз билан алмаштирилиши кузатилади, бу ҳолатда ҳам шакл янгиланган, лекин мазмун сақланган:

А.Ҳожиёвнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да келтирилган ривож, тараққий, тараққиёт, равнақ, ривожланмоқ, тараққий этмоқ, ўсмоқ, юксалмоқ²⁷ синонимик бирликларига асосланган ҳолда гап таркиби ўзгартирилганда синонимлар билан боғлиқ беш хил гап ҳосил бўлди.

1. *ТАРАҚҚИЁТ бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий.*

2. *РИВОЖЛАНИШ бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий.*

3. *ЮКСАЛИШ бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий.*

Бу гаплардаги *бор* сўзи *мавжуд* сўзи билан алмаштирилса, юқоридаги бешта гапга мазмунан бир хил бўлган яна бешта янги гап шакли ҳосил бўлади. Масалан, *Тараққиёт МАВЖУД*²⁸ жойда янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий.

4. *Тараққиёт бор ЎРИНДА*²⁹ янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий.

Мазкур гапдаги *ўрин* сўзи юқоридаги олтига гапда қўлланилса, яна олтига янги шаклдаги мазмунан бир хил гаплар юзага келади.

5. *Тараққиёт бор жойда янги билим ва ЗАМОНАВИЙ ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий.*

6. *Тараққиёт бор жойда янги билим ва ИННОВАЦИОН ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий.*

7. *Тараққиёт бор жойда янги билим ва янгича МУНОСАБАТ (ЛАР)ГА эҳтиёж сезилиши табиий.*

Юқорида таҳлил қилинган гаплар таркибида синоним сифатида қўлланган *замонавий*, *инновация* ва *муносабат* сўзлари синонимлар луғатига киритилмаган, бу каби синонимлар ҳам илмий жиҳатдан ўз ифодасини топиши лозим.

8. *Тараққиёт бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга ЗАРУРАТ*³⁰ *сезилиши табиий.*

9. *Тараққиёт бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж ТУҒИЛИШИ табиий.* Бу ўринда сезилиш ва туғилиш прагматик жиҳатдан синоним бўлиб келмоқда.

²⁶ Ҳамраев К. Ҳикояда сўнги жумланинг поэтик вазифаси. // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2020. – № 6. – Б. 24.

²⁷ Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 166.

²⁸ Ҳожиёв А. Кўрсатилган манба. – Б. 64

²⁹ Ҳожиёв А. Кўрсатилган манба. – Б. 99

³⁰ Ҳожиёв А. Кўрсатилган манба. – Б. 232

10. *Тараққиёт бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж ЮЗАГА КЕЛИШИ табиий*. Мазкур гапда алмаштирилган кўшма сўзлар синонимлар сифатида луғатда ҳам қайд қилинган.

А.Ҳожиевнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да эҳтиёж сўзига *талаб, зарурият, зарурат, муҳтожлик, ҳожат, зорлик* сўзлари синоним сифатида келтирилган, бизнингча, *муҳтожлик* ва *зорлик* сўзлари ҳам мазмун, ҳам услуб жиҳатидан синонимик қаторга мос келмайди. Бу ўринда *зарурат* ва *зарурият* дублет сифатида қабул қилиниши ҳамда *талаб* сўзини жойлаштириш учун эса *сезилиши* сўзини *ортиши* билан алмаштириш керак бўлади.

11. *Тараққиёт бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга ТАЛАБ ОРТИШИ табиий*.

Мазкур гапда эса юқоридагилардан мустасно ҳолда бир сўз ўрнига икки сўз алмаштирилиб мазмун сақлаб қолинмоқда.

12. *Тараққиёт бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилиши ЎРИНЛИ*.

Юқорида таҳлилга тортилган гап шакллари ҳисоблаб чиқилса, бир сўз билан фарқ қиладиган (шаклдаги ўзгариш фақат сўз билан боғлиқ), мазмунан айнан бўлган олтимиш бешта содда гап ҳосил бўлади.

Қайд қилинган гапларда (16-,17-рақамли гаплардан бошқа) фақатгина бир сўзни синонимига алмаштириш орқали янги шакл юзага келтирилди. Қуйида янги сўз кўшиш билан боғлиқ таҳлилларни кўриб чиқамиз.

Сўз-гап ўз ичида бир неча маъновий гуруҳга ажралади: 1. Модал. 2. Ундов. 3. Тасдиқ-инкор. 4. Таклиф-ишора. Сўзловчининг баён этилаётган фикрга муносабати – қатъий ишонч, гумон, тахмин каби маънони ифодалаб келадиган *хуллас, демак, чамаси, табиий, эҳтимол, шубҳасиз, шекилли* каби сўзлар мисол бўлади. Соф сўз-гапга *албатта, алҳамдулиллоҳ; эҳ, ҳай, оҳ, ўҳ; ҳа, йўқ, мутлақо; ма, манг* каби модал, ундов, тасдиқ-инкор, таклиф/ишора сўзлари мансуб. Ўзбек субстанциал тилшунослигида сўз-гап [W[^]]лашган (модаллашган, ундовлашган тасдиқ-инкорлашган, таклиф/ишоралашган) сўзлар, [W[^]]лашаётган (модаллашаётган, ундовлашаётган, тасдиқ-инкорлашаётган, таклиф/ишоралашаётган сўзлар, [W[^]]симон (модалсимон, ундовсимон, тасдиқ-инкорсимон) сўз-гапга ажратилиб, муфассал ўрганилган³¹.

13. *АЛБАТТА, тараққиёт бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий*. Ушбу гапнинг оригинал вариантида *албатта* модал сўзи йўқ, таҳлил жараёнида кўшилган. Тилдаги бу воситадан фойдаланиш илмий матнларда анча фаол. Масалан, модал сўз қатнашган ушбу оригинал гап ҳам буни тасдиқлаши мумкин. 1. *Албатта, турли лисоний ва нолисоний омиллар сабаб айни уч усулдан тенг фойдаланилади*. 2. *Масалан, семантик усул билан терминлар ҳосил қилиш жуда кам учрайди*. Охирги икки гапдаги *албатта* ва *масалан* модал сўзлари олиб ташланганда ҳам гап мазмунида фарқ юзага келмайди.

³¹ Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2009. – B. 282.

Гап таркибида баъзан шундай сўзлар ва сўз бирикмалари, ҳатто гаплар қўлланадики, улар гапнинг бирор бўлаги билан грамматик жиҳатдан алоқага киришмайди. Шу туфайли бундай сўз ёки сўз бирикмалари гап бўлаклари ҳисобланмайди. Ундалма, кириш сўз, кириш бирикма ва киритма гап ана шундай хусусиятга эга³². Мазкур фикрлар ҳам юқоридаги ҳолат ўринли эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

1. *Дарс якунида тўпланган карточкалар сонига қараб, голиб гуруҳ аниқланади. Фаол ўқувчилар баҳоланади.*

2. *Дарс якунида тўпланган карточкалар сонига (ДАРСДАГИ ХУЛҚИГА ҲАМ) қараб, голиб гуруҳ аниқланади. Фаол ўқувчилар баҳоланади.*

Бу ўринда шаклни ўзгартириш учун киритмалардан фойдаланилган бўлиб, қоидага кўра киритмалар гап таркибидаги бошқа бўлақлар билан синтактик алоқага киришмайди.

Кириш сўз, кириш бирикма мазмунан бутун бир гапга ёки унинг бирор бўлагига тегишли бўлади. Кириш сўз ва кириш бирикма сўзловчининг баён қилинаётган фикрга бўлган турли муносабатини ифодалайди:

Ишонч ёки тасдиқни (албатта, тўғри, ҳақиқатан, дарҳақиқат, шубҳасиз, сўзсиз кабилар): *Албатта, мендан кўра пахта ишининг усталари яхшироқ билишади. (Ж.Абдуллахонов). Тўғри, тил суяксиз-у, лекин суякни синдиради. (Шухрат).*

1. *Ўзбек тилининг ривожини ва адабий тил бўлиб шаклланишида буюк мутафаккир-шоир, олим, қомусий билимлар соҳиби Алишер Навоийнинг хизмати беқиёс*³³.

2. *Албатта, ўзбек тилининг ривожини ва адабий тил бўлиб шаклланишида буюк мутафаккир-шоир, олим, қомусий билимлар соҳиби Алишер Навоийнинг хизмати беқиёс.*

Тадқиқотимизнинг шу ўрнида, гапни шаклан ўзгартирилиши билан боғлиқ қуйидаги ҳолатларни қайд этамиз:

1) қўшимчани ўзгартириш (қўшимчани алмаштириш, қўшиш ёки олиб ташлаш);

2) қўшимчани сўз билан ҳамда сўз ва қўшимча билан алмаштириш;

3) сўз ва бирикмани ўзгартириш: сўзни сўз билан алмаштириш, сўзни олиб ташлаш, сўз қўшиш, сўзни сўз бирикмаси билан алмаштириш, сўз бирикмасини сўз билан алмаштириш;

4) сўз тартибини ўзгартириш;

5) киритма сўз ва киритма гапларни қавс ичида бериш.

Мазкур бобда содда гапларда шаклий фарқлилик ва мазмуний ўхшашлик ҳодисаси таҳлилида гапларнинг ўзаро синонимлиги, гап таркибидаги сўзларнинг нутқий вазиятга кўра синонимлик ҳосил қилиши ёки гап таркибидаги сўз ҳамда ифодаланаётган ҳукмга кўра синоним бўла олиши масаласи илмий асосларда текширилган.

³² Hamroyev M. va b. Ona tili. Darslik. – Toshkent: O‘qituvchi, 2007. – B. 182.

³³ Қобилова Г. Таълимда қолб назарияси ва уни татбиқ қилиш зарурияти. // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент. 2017. – № 9. – В. 30.

Ишнинг учинчи боби “Мазмуний айнан, ўхшаш ҳамда шаклий фарқли содда гапларнинг лингвистик моделлари” деб номланади. Бу бобда мазмунан ўхшаш, айнан ва шаклан фарқли содда гапларнинг лексик, морфологик ҳамда (қисман) синтактик моделлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, плагиатга қарши курашувчи дастурларнинг ишлаш принциpidан келиб чиқиб, тузилиши режалаштирилган янги дастурнинг ишлаш босқичлари бўйича тавсиялар берилган.

Интернет тармоғида мавжуд плагиатга қарши дастурлар орқали интернетнинг ўзида мавжуд илмий ишларни юклаб олган ҳолда (интернетдаги антиплагиат дастурлар ўзининг яширин базаси ва интернет тармоғида мавжуд базадаги матнлар билан таққослайди) матнлардаги ўхшашликни фақатгина айнан такрор бўлгандагина аниқлай олади.

Ўзбек тилида битта жумлани турли хил усулда, масалан сўзларнинг жойини ўзгартириб ёки сўзларни синонимлар билан алмаштириб ифодалаш мумкин. Икки гапнинг ўхшашлигини аниқлаш зарурати кичик амалий масалани ҳал қилишда пайдо бўлган. Коэффициентларни аниқлаш учун оддий ўлчовлар ва йиғилган статистикадан фойдаланилади. Қисқача айтганда, вазифани қуйидагича ифодалаш мумкин: \~ “Янги жумлалар турли манбаларда маълум частотада келади. Бир хил факт бўйича иккита жумла бўлмаслиги учун чиқишни филтрлаш керак.

Иккита жумлани таққослаш

Иккита қаторнинг ўхшашлик даражасини аниқлаш муаммосини ҳал қилишнинг бир неча усуллари мавжуд.

*Левентейн масофаси*³⁴

Бир сатрни бошқасига айлантириш учун қанча операцияларни (қўшиш, ўчириш ёки алмаштириш) бажариш кераклигини кўрсатувчи рақамни қайтаради.

Хусусиятлари: оддий дастур; \~ сўз тартибига боғлиқ; \~ чиқувчи натижа - бу рақам; \~ уни бирор нарса билан солиштириш керак. \~ Масалан, Мен мактабда дарс бераман.- Мен университетда дарс бераман. Бу гапларни бир-бирига мослашиши учун қанча кўп ўзгартириш қилса фоизи паст, қанча кам ўзгариш бўлса фоизи баланд чиқади. Яъни “мен” ўзгармади, “университет” ўзгарди, “дарс” ўзгармади, “бераман” ўзгармади. Бунда 75 фоиз кўчирилган деб беради. Ваҳоланки, мисол қилинган икки жумла маъно-мазмун жиҳатидан бир-биридан кескин (университетдаги ўқитувчининг ва университетдаги таълимнинг мактабдан, мактаб ўқитувчисидан кўплаб фарқ қиладиган жиҳатлари мавжуд.) фарқ қиладди. “Мен мактабда дарс бераман. - “Мен мактабда дарс бераман” деса умуман икки жумлани бир-бирига мослаш операцияси амалга оширилмайди ва ўз-ўзидан 100 фоиз кўчирилган деб қўя қолади.

*Шингле алгоритми*³⁵

У матнларни шингилларга (инглизча - тарозиларга), яъни 10 сўздан иборат занжирларга (кесишмалар билан) ажратади, шингилларга h

³⁴ <https://habr.com/ru/post/341148/>

³⁵ <https://habr.com/ru/post/341148/>

функцияларни қўллайди, матрицаларни олади, уларни бир-бири билан таққослайди.

Хусусиятлари: алгоритмни амалга ошириш учун математик қисмини батафсил ўрганиш керак; \~ катта матнлар устида ишлайди; \~ жумлалар тартибига боғлиқ эмас. Бу алгоритмда, сатрлар, сўзлар солиштириб чиқилади, сўз тартибининг ўзгариши аҳамиятга эга эмас, ортиқча сўзларни сонига қараб фоизни чиқариб беради. Мен мактабда устозман. – Мен мактабда ўқитувчиман. Бу ўринда “устоз” ва “ўқитувчининг” синоним эканлигини билмайди ва 70 фоиз ўхшаш деб чиқаради. Мавжуд алгоритмларнинг имкониятларини бирлаштириб аралаш алгоритмга кўра плагиатга қарши дастурни қуйидагича ишлашини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Дастур плагиатликни аниқлашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим:

1. Тозалаш босқичи, бунда ортиқча ёки матн оригиналлигини текширишга ҳалал берадиган жиҳат ва воситалардан тозалаб олиш амалга оширилади.

1.1. Матн скриншот қилиниб тўлдирилган қисмлари аниқлаб олинади. Сабаби 2021 йилдаги плагиатга қарши тизимни алдашнинг 12 сири³⁶ да шу усул тавсия сифатида (2016 йилга қадар матн орасига турли кўринмас белгилар қўйиш, кирилл билан лотин алифбосидаги ҳарфларни алмаштириш каби тартибда ишлаган) таклиф этилган.

1.2. Матнни имловий хатолардан тозалаб олиш, бу мазмунга ҳам тааллуқли, бугунги кундаги мавжуд дастурлар фақат айнанликни, яъни айнан нусхани текширганлиги сабабли ҳар бир гапдаги биргина сўзни ўзгартириш ҳам юз фоизлик натижани бера олади. Масалан, интернетда мавжуд илмий матнларда *x* ҳарфини *ҳ* га ў ҳарфини *у* га ўзгартирганимизда ҳам айнан шу ҳолат кузатилади.

1.3. Ҳаволаларни тозалаб олиш, бу ўринда шуниси муҳимки, жами матнга нисбатан ҳаволалар миқдори қанчагача мумкин эканлигини аниқлаштириш. (қўштирноқ белгисини ҳам плагиат сифатида ўқимайди.)

